ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

БОЗОРОВ АМИНЖОН НУРИЛЛОЕВИЧ

МОЛИБДЕН САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАРИНИ ҲАМДА МОЛИБДЕН, РЕНИЙ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ КОМПОНЕНТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. (техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

УДК 669.624.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Бозоров Аминжон Нуриллоевич
Молибден саноат маҳсулотлари ва техноген чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг самарали физик-кимёвий усулларини ҳамда молибден, рений ва бошқа қимматли компонентларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Бозоров Аминжон Нуриллоевич
Разработка эффективных физико-химических способов комплексной переработки промпродукта молибдена и техногенных отходов, а также технологии извлечения молибдена, рения и других ценных компонентов ……..……. 27

Bozorov Aminjon Nurilloyevich
Development of effective physical and chemical methods for the complex processing of industrial molybdenum products and man-made waste, as well as technologies for the extraction of molybdenum, rhenium and other valuable components ……..……. 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works...…….....……..... 55

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

БОЗОРОВ АМИНЖОН НУРИЛЛОЕВИЧ

МОЛИБДЕН САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ УСУЛЛАРИНИ ҲАМДА МОЛИБДЕН, РЕНИЙ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ КОМПОНЕНТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07 - Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. (техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/T809 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: **Негматов Сойибжан Содиқович**
техника фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги, ЎзР фан арбоби,

Абед Нодира Сойибжоновна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пирматов Эшмурат Азимович**
техника фанлари доктори, профессор

Хасанов Абдурашид Солиевич
техника фанлари доктори, профессор

Шарофутдинов Улугбек Зиятович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети**

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2024 йил «25» декабрь соат 14^{30}** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; E-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№40-24-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкнет шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2024 йил «13» декабрь куни тарқатилди.
(2024 йил «28» октябрдаги №40-24 рақамли реестр баённомаси).

А.В. Умаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда саноат чиқиндиларини қайта ишлаш учун энергия тежовчи ва экологик хавфсиз технологияларни яратиш имконини берадиган тадқиқотларга қизиқиш ортиб бормоқда, чунки табиий захиралар камаймоқда ва техноген ифлосланиш даражаси барча рухсат этилган стандартлардан ошиб кетиши, узоқ вақтдан бери давом этмоқда. Техноген чиқиндилар таркибида мураккаб таркибли бирикмалар бўлиб, рангли ва нодир металлар саноати учун аҳамиятли концентрацияларда ва баъзи ҳолларда рудалардаги миқдоридан ошиб кетади. Турли техноген чиқиндилардаги ноёб ва рангли металлар металлургия корхоналарига алоҳида қизиқиш уйғотади.

Жаҳонда молибденли саноат маҳсулоти ва техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда молибденни олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, техноген чиқиндилар ва паст навли молибден саноати маҳсулоти (МСМ)ларни бойитиш усулларини такомиллаштириш, аммиак ёрдамида гидрометаллургия усули билан қайта ишлаш орқали аммоний тетрамолибдатни олиш усулларини ишлаб чиқиш, аммоний тетрамолибдат асосида молибденни 99 % тозаликда ажратиб олиш ҳамда молибден ва рений аммоний тузларини олиш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда техноген чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, уларни қайта ишлаш орқали юқори сифатли маҳсулотга айлантириш ва қимматли таркибий қисмларни ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилиб, жумладан, молибденнинг асосий хомашёси сифатида «Олмалиқ КМК» АЖ «Қалмоқир» конининг мис-молибден рудаларидан олинадиган паст навли молибден саноати маҳсулоти (МСМ)ни бойитиш усули ишлаб чиқилган. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш...»[1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, республикамизнинг ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган ҳудудларида экологик вазиятни яхшилаш усулларини такомиллаштириш, молибден саноат маҳсулоти ва техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, ҳамда молибден, рений ва бошқа қимматли компонентларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5368-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф - муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2]. Руда ва техноген хомашёдан ноёб металлар ишлаб чиқаришга қаратилган илмий тадқиқотлар, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Пекин кон-металлургия институти (Хитой), Colorado school of mines (АҚШ), Пекин фан ва технология университети (Хитой), Техас Эл-Паco университети (АҚШ), KGHM Polska Miedz (Полша), Торонто университети (Канада), Ухан фан ва технология университети (Хитой), Аугсбург университети (Германия), Корея ноёб металлар институти (Жанубий Корея), “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ, МИСиС миллий тадқиқот технологик университети (Россия) ва Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида (Ўзбекистон) олиб борлмоқда.

Молибден ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича дунёдаги етакчи илмий марказларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: металлургия саноатида ишлатиладиган молибден асосидаги ярим тайёр маҳсулотларни самарали таркибини олиш ва куйдирилган молибден бойитмаларни аммиак билан танлаб эритиш усуллари ишлаб чиқилган (Пекин кон-металлургия институти (Хитой), Миллий тадқиқотлар технологик университети (МИСиС, Россия), Аугсбург университети (Германия), Корея ноёб металлар институти (Жанубий Корея)); куйдирилган молибден бойитмаларини танлаб эритиш орқали олинган эритмадан молибден ва ренийни сорбция усули билан ажратиб олиш ва олинган молибден ва ренийни физик-механик ҳамда технологик хоссалари аниқланган (Торонто университети (АҚШ), МИСиС миллий тадқиқот технологик университети (Россия)); молибден бойитмаларини кейинги сода-сорбцион танлаб эритиш билан куйдириш усуллари ишлаб чиқилган (Пекин кон-металлургия институти, (Хитой), Colorado school of mines (АҚШ), Техас Эл-Паco университети (АҚШ)); молибден-висмут рудаларини қайта ишлаш технологиясининг схемаси яратилган ва коллектив молибден-висмут бойитмасини автоклавда танлаб эритиш усулининг афзалликлари асосланган (Фабрика Прейссак, Франция).

[2] Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: https://marketing.rbc.ru/landings/dragotsennye-metally/, https://ru.investing.com/equities/impala-platinum-holdings-ltd, https://www.mineral.ru/Analytics/worldevents, https://www.krastsvetmet.ru/ ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Жаҳонда бойитмалардан ноёб металларни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, мис-молибден оралиқ маҳсулотини ва улар асосидаги техноген чиқиндиларнинг технологик минералогиясини таркибий қисми бўлган қимматбаҳо компонентлар жойлашувининг минералогик ва комплекс таркибини аниқлаш; қолдиқ кек таркибида молибденнинг сезиларли миқдори қолиб кетганлиги туфайли фильтрлаш орқали ажратилган темир-мис чўкмасини кўп марта қайта танлаб эритиш; миснинг оксидланган қисми аммоний-молибден-мис комплекслари шаклида эритмага ўтишини тадқиқ қилиш; чиқинди эритмадан агрессив кимёвий моддалар ёрдамида ёмон эрийдиган мис сульфидларини чўктириш орқали мисдан қўшимча равишда тозалаш; аммоний тетрамолибдат тузларини тозаланган эритмаларда чўктириш; аммоний молибдат ва аммоний тетрамолибдат тузларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молибден концентратлари ва таркибида молибден бўлган чиқиндиларни қайта ишлаб нордон аммоний молибдатини ва бошқа ноёб металларни гидрометаллургия усулида олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва яратиш соҳасида қуйидаги олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар: Зеликман А.Н., Killeffer D.H., Linz A., Evans E., Norton F.J., Chellinger A.K., Арчер Р.С., Меерсон Г.А., Шапиро К.Я., ва бошқалар. Ўзбекистонда ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан Шарипов Х.Т., Пирматов Э.А., Хасанов А.С., Санакулов К.С., Негматов С.С., Михридинов Р.М., Эрназаров М., Шарафутдинов У.З., Гуро В.П. ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, паст навли молибденли куйинди ва молибден саноати чиқиндиларни минералогик таркиби, хусусиятлари ва қайта ишлаш усулини ишлаб чиқишда зарур бўлган мақбул технологик параметрларни танлаш эътиборга олинмаган. Композицион молибденли куйинди саноат-маҳсулотларини ва ундан ҳосил бўладиган кек ва эритмаларини қайта ишлашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш технологиясини яратиш ва юқори даражадаги тайёр маҳсулотлар – нордон аммоний молибдат ва аммоний перренат каби эҳтиёжи катта бўлган моддаларни олиш батафсил ёритилмаган. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: №А-12-86 «Рақобарбардош ва экспорт йўналишига мос кимёвий тоза нордон молибден аммонийсини маҳаллий саноат маҳсули молибдендан олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.), №ИОТ 2016-7-16 «Саноат маҳсулоти молибден куйиндисидан молибден ажратиб олишнинг самарали қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва

ўзлаштириш» инновацион лойиҳаси (2016-2017 йй.), №А-ОТ-2019-4 «Олмалиқ КМК ИИЧБ чиқиндиларидаги (W, Mo, Fe, Re, Au, Ag, Cu) қимматбаҳо ноёб металларини техник ва минералогик баҳолаш ва улардан аммоний молибдат, мис концентрати ва аммоний перренатларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» амалий лойиҳаси (2019-2021 йй.) ва №А-2021-441 «Импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган металлар, композицион полимерлар ва керамик материаллар олиш учун хомашёлар хамда кимё, металлургия ва нефтгаз саноати чиқиндиларини қайта ишлашнинг юқори самарадор ва экологик зарарсиз технологиясини яратиш» амалий лойиҳаси (2021-2024 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади молибден саноат маҳсулотлари ва техноген чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг самарали физик-кимёвий усулларини ҳамда молибден, рений ва бошқа қимматли компонентларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий физик-кимёвий усуллар билан молибден саноат техноген чиқиндилари ва уларни қайта ишлашда металларнинг жойлашув шаклларини, молибден саноат маҳсулоти ва молибден шлам кекларининг минералогик ва кимёвий таркибини, уларга турли хил технологик омиллар (концентрация, ҳарорат, вақт) таъсирини ва содали ишқорлашни ўтказиш жараёнининг оптимал шароитини аниқлаш;

молибден ишлаб чиқаришнинг техноген чиқиндиларини қайта ишлаш учун мақбул шароитларни аниқлаш;

молибден ва ренийнинг кучсиз асосли «Пъюролайт» сорбентлари томонидан ютилиш кинетикасини ўрганиш ва металларнинг сорбцияси ҳамда десорбцияси учун оптимал шароитларни ўрганиш;

молибден ишлаб чиқариш техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлашнинг принципиал технологик схемасини ҳамда молибден, рений ва бошқа қимматли компонентларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

молибден ишлаб чиқариш саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлашнинг модулли технологик линиясини ишлаб чиқиш, яратиш ва ўзлаштириш;

молибден ишлаб чиқариш чиқиндиларидан аммоний перренат, нордон аммоний молибдат ва мис-темир концентратини иккиламчи товар маҳсулоти сифатида олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

саноат чиқиндиларидан аммоний тетромолибдат, нордон аммоний молибдат ҳамда аммоний перренат ишлаб чиқариш бўйича технологик регламент ва ташкилот стандарти ишлаб чиқиш ҳамда технологиянинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг молибден саноат-маҳсулот куйиндиси ҳамда «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖ нинг молибден ишлаб чиқариш саноати техноген чиқиндилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўпкомпонентли молибденли чиқиндилардан нордон-аммоний молибдат, аммоний перренат ва мис-темир консентрати олиш жараёнининг физик-кимёвий ва технологик параметрларини ўрнатиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий усуллар, жумладан, ИҚ-Фурье(ИҚ) спектроскопияси, элемент анализи, рентген фазали (ХРД), дифференциал термик таҳлиллар (ДТТ), индуктив боғланган плазма масс-спектрометрияси (ИБП-МС), атом ютилиш спектроскопияси (АЮС), энергия-дисперсион таҳлилли сканерловчи электрон-микроскоп (ЭДТ-СЭМ) ва бошқа қабул қилинган стандарт усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шлам кекларининг минералогик ва кимёвий таркиби аниқланиб, рангли ва ноёб металларнинг миқдори кўплиги, молибден ва мис оксид ва сульфид табиатига, рений эса ReO^-_4 анион шаклида эканлиги исботланган;

молибден саноат маҳсулоти куйиндиларини тўғридан-тўғри содали ишқорлаш жараёни ишлаб чиқилди ҳамда молибденни ажратиб олишда ишқорлаш механизми ва самарадорлигига турли хил омилларнинг таъсири (сода концентрацияси, Қ:С нисбати, гранулометрик таркиби ва ишқорлаб-эритиш вақти) аниқланган;

шлам кекларини 120 г/л содали концентрацияда ишқорлаб эритилганда, эритмадан молибденни ажратиб олиш 90,0% га етказилди ва молибденнинг қолдиқ кеклардаги улуши эса 0,5% гача камайиши аниқланган;

pH 3,0-3,5 бўлган кислотали содали эритмаларидан молибден ва ренийнинг сорбцияси натижасида, молибден ва рений полиионитларининг “Пюролайт” А-100Мо (молибден) ва “Пюролайт” А-170 (рений), ион алмашинувчи сорбентининг функционал гуруҳлари билан комплекс комплекс ҳосил қилиши, молибден ишлаб чиқаришнинг маҳсулдор ҳамда чиқинди эритмаларидан молибден ва ренийнинг сорбцияси ва десорбциясининг кинетик қонуниятлари аниқланган;

молибден ишлаб чиқаришнинг техноген чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг принципиал технологик схемаси ҳамда молибден, рений ва бошқа қимматли компонентларни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган;

турли ион алмашинувчи сорбентларда ион алмашинув жараёнлари асосида аммоний молибдат ва аммоний перренат ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди ҳамда иккиламчи маҳсулот сифатида мис-темир концентратларини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молибден шлам кекларини содали ишқорлаб эритишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, юқори тозаликдаги аммоний тетрамолибдат (АТМ) ва нордон аммоний молибдат (НАМ) тузлари олинган;

молибденли техноген хомашёдан молибден ва ренийнинг юқори даражада олиш имконини берадиган молибден ишлаб чиқариш

чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг оптимал технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ИҚ- спектроскопияси, рентген структуравий, кимёвий, дифференциал-термик ва электрон микроскопли таҳлиллар, ўрнатилган технологик тартибларда маҳсулотларининг таркибини аниқлаш, якуний маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш ва белгилаш, лаборатория ва кенгайтирилган лаборатория ҳажмидаги тажрибалардан олинган натижалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, молибден куйиндисини содали ишқорлаб эритишнинг қонуниятларини сода концентрациясига, ишқорий эритиш вақтига, Қ:С нисбатига боғлиқлигини ҳамда кучсиз асосли «Пюролайт» анион алмашинувчиларнинг маҳсулдор содали ишқорий эритмадаги молибден ва ренийнинг сўрилишини ҳамда молибден ишлаб чиқариш чиқиндиларидан сорбциялаш орқали молибден ва ренийни ажратиб олишда, сўрилиши ва десорбциясининг кинетик тамойилларини назарий жиҳатдан асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, молибден шлам кекларини қайта ишлаш, ҳосил бўлган чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича комплекс технологик схема таклиф қилиш ва юқори даражадаги тозаликда тижорат маҳсулотлари АТМ, НАМ ва аммоний перренат олиш учун «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖ да модулли технологик линияни ўрнатишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молибден саноат-махсулоти ва техноген чиқиндиларини қайта ишлашнинг самарали усулини ҳамда молибден ва рений аммоний тузларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молибден саноат-маҳсулоти ва шлам-кекларини содали қайта ишлашнинг самарали технологияси «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖнинг 2024 йил 2 октябрдаги 01/293-сон маълумотномаси). Натижада, аралаш таркибли молибден саноат-маҳсулоти хомашёсидан молибденни 97,8 % гача ажратиб олиш имконини берган;

молибден саноат махсулотини сода билан қиздириб ва тўғридан-тўғри содали эритмалар билан ишқорлаб эритишнинг иккита схемаси таклиф этилиб «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2024 йил 6 ноябрдаги 11-24/01-01500 - сон маълумотномаси). Натижада, қолдиқ кеклар таркибидаги молибденнинг миқдори 2,1% гача камайиши ҳамда олтин концентрацияси - 37,2%, кумуш -39,3% гача ошишига имкон берган;

молибден ишлаб чиқариш чиқинди эритмаларидан молибденни ажратиб олиш технологияси «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖнинг 2024 йил 2 октябрдаги 01/293-сон маълумотномаси).

Натижада, ташландиқ эритмалар таркибидан 85,0-90,0% молибденни ажратиб олиш имконини берган;

молибден саноати ташландиқ эритмаларидан ренийни сорбцион ажратиб олиш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2024 йил 6 ноябрдаги 11-24/01-01500 - сон маълумотномаси). Натижада, ГОСТ 31411-2009 га мос келувчи 69,4% ли АР-0 маркадаги аммоний перренат олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 186 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Молибден концентратлари ва кондицион бўлмаган молибденли чиқиндиларни қайта ишлашнинг замонавий ҳолати»** деб номланган **биринчи бобида** молибденли концентратларни қайта ишлаш муаммосининг ҳолати ва паст навли молибден концентратларини гидрометаллургия усули билан қайта ишлаш технологияси бўйича адабиёт манбаларининг таҳлили берилган.

Гидрометаллургия усулларининг ичидан учта гуруҳни ажратиб кўрсатиш мумкин: молибденитнинг сувли ёки ишқорий муҳитда парчаланиши; молибденитни азот кислотаси билан юқори ҳарорат ва босимда парчаланиши; молибденитнинг азот кислотаси билан атмосфера босими ва 100ºС гача бўлган ҳароратда парчаланиши. Буларнинг барчаси кондицион молибденит концентратларига нисбатан етарли даражада ўрганилган. Паст навли концентратларни қайта ишлаш эса жуда кам ўрганилган.

Ҳозирги вақтда саноатда молибденитли концентратни қайта ишлашнинг энг кенг тарқалган гидрометаллургик усули бу азот кислотаси билан парчалашдир. Мазкур технология 60 йилдан ортиқ вақт давомида «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖ да (олдинги «НМ ва ҚҚ» ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБ) да муваффақиятли ишлаб келмоқда, мазкур жараённинг кинетикаси ва термодинамикаси яхши ўрганилган. Сўнгги йилларда «Ўзбекистон технологик металлар комбинати» АЖ да молибден олиш учун «Олмалиқ КМК»АЖ дан МСМ ўрнига молибденли куйиндисини етказиб бермоқда. Таркибида паст навли молибден бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари ва концентратларни ҳамда молибдендан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлашнинг мумкин бўлган барча усуллари кўриб чиқилди.

Нашр этилган тадқиқот натижаларини танқидий таҳлил қилиш натижасида ишнинг вазифалари ва мақсадлари шакллантирилиб, уларга қуйидагиларни айтиш мумкин:

азот кислотасида қайта ишлаш усулига муқобил бўлган, молибден куйиндисини содали ишқорлаб эритиш усулини ишлаб чиқиш ва юқори даражада тайёр маҳсулотларни олиш учун барча қимматли компонентларни ажратиб олиш натижасида ҳосил бўлган суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш.

Диссертациянинг **«Мис-молибден рудаларидан молибден ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларнинг таркиби ва ҳосил бўлиши ҳамда уларни ўрганиш усуллари»** деб номланган **иккинчи бобида**, дастлабки материалларнинг таснифлари келтирилган бўлиб, мазкур тадқиқот ишида қўлланилган замонавий юқори ахборотли физик-кимёвий тадқиқот усуллари, шунингдек, азот кислотаси билан ва сода ишқорлаб эритиш, куйинди, эритма ва кекларнинг минералогик, гранулометрик ва кимёвий таркибини тадқиқ этиш натижалари ҳақида маълумот берилган.

Олинган маҳсулотларнинг таркибини, ўзига хослигини аниқлаш ва тузилиши ҳамда тозалигини ўрганиш учун замонавий юқори ахборотли физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

Маҳсулотларнинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш мос равишда ES-20000R (Oxford Inst., Буюк Британия) энергия дисперсион спектрометридан фойдаланган ҳолда ИПБ-спектроскопияси, эмиссион ва рентген-флюоресцентли таҳлиллари орқали амалга оширилган.

Маҳсулотларнинг фазавий таркиби рентген-дифрактометрик усули билан аниқланди. Дифрактограммалар Cu найча билан жиҳозланган Panalytic Empyrean дифрактометрида олинган ($K\alpha_1$= 1,5406 Å, $K\alpha_2$=1,5443 Å). Маълумотлар “The High Score Plus Suite” дастурий таъминотининг 4,5 версияси ёрдамида қайта ишланган.

Риетвелд усули ёрдамида миқдорий таҳлил “Profex-Open source XRD and Reitveld Refinement” дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилган.

KBr таблеткаларида ИҚ-спектрларининг ютилиш ИҚ-Фурье-спектрометри System-2000 (Perkin-Elmer, США) да қайд этилган.

Раман-спектрларини ўрганиш “Renishaw” (Буюк Британия) томонидан ишлаб чиқарилган In Via Raman спектрометри ёрдамида ўтказилган.

Ўлчашлар хона ҳароратида ўтказилган. Қўзғалиш манбаи сифатида нурланиш тўлқин узунлиги 532 нм ва номинал энергияси 100 мВт бўлган Cobolt CW 532 nm DPSS лазеридан фойдаланилган.

МСМ асосан пирит, халькопирит ва молибденитнинг сульфидли минералларидан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

МСМ нинг минералогиктаркиби

Номланиши	Таркиби, %	Номланиши	Таркиби, %
Пирит	12,8	Галенит	0,20
Халькопирит	4,62	Хира руда	0,11
Молибденит	51,2	Сфалерит	0,14

МСМ куйдирганда сульфидларнинг оксидланиши содир бўлади:

$MoS_2+7/2O_2=MoO_3+2SO_2$; ΔG^0_T = -1123670-340,2TlgT+351,3T, Ж/моль

кейинчалик MoO_3 нинг молибден сульфидлари билан ўзаро таъсирлашади:

$MoS_2+6MoO_3=7MoO_2+2SO_2$; ΔG^0_T =185580+204,3TlgT-915,5T, Ж/моль.

шунингдек, ишқорий металлар молибдатлари ва темир ҳосил бўлади.

2-жадвал

Молибден саноат махсулот куйиндисининг кимёвий таҳлил натижалари (локал нуқталар йиғиндисидан ўртача қийматлар)

Номланиши	Элементлар, %							
	Mo	Cu	SiO_2	P	WO_3	As	MoS_2	Re
Молибден саноат махсулот куйиндиси	36,5	1,79	9,32	0,011	аниқлан-маган	0,012	0,65	0,0092

Бунда Mo, Cu, SiO_2 ва жуда муҳим бўлган рений миқдори ошади.

Диссертациянинг **«Молибден, рений ва бошқа қимматбаҳо компонентларни молибден саноат маҳсулотларидан ва молибден ишлаб чиқариш техноген чиқиндиларидан олишнинг физик-кимёвий жараёнини ўрганиш»** деб номланган учинчи бобида молибден хомашёларини содали ишқорлаб эритишнинг лаборатория тадқиқот натижалари келтирилган.

Молибденни сорбциялаш жараёни бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун ҳар бирининг сиғими 3 кг бўлган иккита сорбция устун-идиши тайёрланди.

Молибдат ионининг селектив сорбцияси учун умумий формуласи $R-NO_3$ бўлган А-100 Мо типидаги ион алмашинувчи сорбент қўлланилди. Натрий молибдат ионининг сорбцияси реакция алмашинуви қуйидагича:

$$2R-NO_3+Na_2MoO_4 \text{ ---}\rightarrow 2R-MoO_4+2NaNO_3 \quad (1)$$

Тўйинган сорбент техник сув билан ювилиб, аммиакли суви билан қуйидаги реакцияга мувофиқ молибден децорбция қилинди:

$$R-MoO_4+NH_4OH \text{ ---}\rightarrow R-OH+(NH_4)MoO_4+OH^- \quad (2)$$

Ион алмашинувчи сорбентлар яна сув билан ювилиб, нитрат кислотаси билан нитрат ҳолатига ўтказилди (регенирация):

$$R-OH+HNO_3 \text{ --}\rightarrow R-NO_3+H_2O \quad (3)$$

Устун-идишлардан чиқадиган эритма, аммоний молибдатдаги Мо миқдори 80-90 г/л бўлган бой эритмасидир.

Сорбциядан олдин сорбентни тайёрлаш учун қуйидаги операциялар бажарилди:

техник сув билан ювиш;

7-10% аммиакли сув эритмаси билан ювиш;

5-7% ли нитрат кислота билан 10-12 соат давомида ишлов бериш;

техник сув билан ювиш.

Эритмалар ўтиши пастдан юқорига қараб созланадиган қисқичлар ёрдамида устун-идишларга юборилди. Эритмаларни ўтишнинг оптимал тезлиги экспериментал равишда ўрнатилди ва 7 л/соатни ташкил этди. Бундай тезликда молибденнинг сорбентга яхши сўрилишига эришилади. Сорбция учун тақдим этилган эритмалар 40 г/л Мо ни ўз ичига олган, устун-идишлардан чиққанда, Мо миқдори 0,085 г/л ни ташкил этди. 1-расмда ишчи эритманинг турли солиштирма юкламаларида (СЮ) А-100Мо чиқиш эгри чизиқлари кўрсатилган.



1-расм. “Пюролайт” А-100 Мо ионити бўйича Мо сорбциясининг чиқиш эгри чизиқлари. СЮ=3(1) ва 6/соат(2) ва C_0=10÷17 г/л да

Эритманинг маълум ҳажмини сорбция қилгандан сўнг, сорбентлар 11-12% аммиак эритмаси (NH_4OH) билан десорбция қилинди. Десорбция эгри чизиғи 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Молибденли эритманинг десорбция эгри чизиғи

60-65 г/л содали натрий молибдатнинг ҳосил бўлган эритмалари нитрат кислота қўшилиши билан кислотали эритмага ўтказилади, сорбцияга юборилган эритмаларнинг pH қиймати 2-2,5 бўлиши керак.

Нитрат кислотаси 46 дан 56% гача берилади. Нитрат кислота истеъмоли: 46% нитрат кислота концентрациясида бир литр маҳсулдор молибден ўз ичига олган эритма учун 61,2 мл нитрат кислота, 56% нитрат кислота концентрациясида эса молибденли эритмада 53 мл нитрат кислота сарфланади.

Сорбентлар десорбцияси натижасида ҳосил бўлган молибденли эритмалар, эритмадаги Мо миқдори 80-90 г/л бўлгунча буғланиш учун идишга юборилади. Буғлантириш, буғлатгич билан жиҳозланган идишда эритма зичлиги 1,11-1,19 кг/дм^3 га етгунча амалга оширилади.

Эритма зичлиги 1,11-1,19 кг/дм^3 (260-270 г/л) га етганидан кейин буғланган эритма вақти-вақти билан бўшатилади. Буғланиш вакуум остида амалга оширилади. Реактордан, буғланишдан чиқиб кетадиган буғлар ва газлар вакуум насос билан сўрилади.

АТМ $(NH_4)_2O{\cdot}4MoO_3{\cdot}2H_2O$ кристалланиши бошланишидан олдин реактор таркиби нитрат кислота билан пуркагич орқали pH 2,0-2,2 гача кислоталанди, бу эритма концентрациясининг бир хил бўлгунгача амалга оширилади. Шундан сўнг, эритма кристализаторда совутилган сув қуйиш орқали доимий аралаштириш билан 60°С га совутилди. Керакли pH ни олгандан сўнг, кристалланиш жараёни тугагунга қадар эритмани 5 дақиқа давомида аралаштиришни давом эттирилди. Агар бирон сабабга кўра аралаштириш тўхтатилса, реактордаги кристалланиш аммиакли сувда эритилиши керак. Кристаллар фильтрлаш учун тайёр бўлгач, насос ёқилади ва фильтрлаш учун суспензияни юборилади. Олинган аммоний тетрамолибдат таҳлили Мо таркибини аниқлаш учун лабораторияга берилади.

Шундай қилиб, МСМни майдалаш ва уларни сода билан қиздириш ва қиздирмасдан қайта ишлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар майда заррали МСМни тўғридан-тўғри ишқорлаш йўли билан қайта ишлаш орқали молибденнинг тайёр маҳсулотга самарали экстракцияси туфайли 120 г/л концентрацияли сода эритмаси самарали оптимал вариантини аниқлаш имконини берди. Чиқинди кеклардаги молибден атиги 3% ёки ундан кам бўлиши кўрилди.

Молибдатни очилишнинг энг кенг тарқалган усули бу: концентратни кислоталар билан парчалаш усулидир. Молибденитни иссиқ азот кислотаси билан кўп марта ишлов бериш минералнинг оксидланишига ва реакцияга мувофиқ молибден кислотасининг ҳосил бўлишига олиб келади:

$$MoS_2 + 6HNO_3 = H_2MoO_4 + 2H_2SO_4 + 6NO \qquad (4)$$

Молибден куйиндисини парчалашнинг яна бир кенг тарқалган усули бу аммиак эритмаси билан ишқорлаб эритишдир, бунда молибден уч оксиди эрийди ва реакция натижасида аммоний молибдат ҳосил бўлади:

$$MoO_3 + 2NH_4OH = (NH_4)_2MoO_4 + H_2O \qquad (5)$$

Кўриниб турганидек (4-реакция), азот оксиди ажралиб чиқади, емирувчи бўлганлиги туфайли иш шароитлари ва атроф муҳитга салбий таъсир қилади.

Шу муносабат билан биз реакцияга мувофиқ калцийланган сода таъсир эттириб ОКМК молибден саноат маҳсулоти куйиндисидан нордон-молибден аммонийси олиш технологиясини ишлаб чиқдик:

$$MoO_3 + Na_2CO_3 = Na_2MoO_4 + CO_2 \quad (6)$$

Мазкур технология молибден тайёр маҳсулотни юқори даражада ажратиб олишни таъминлайди (молибденнинг чиқинди кекларида атиги 2,6% қолади).

Шу билан бирга, технология экологик тоза, ишчилар саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфсиздир ва таркибида зарарли саноат чиқиндилари йўқ.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Молибден саноат маҳсулотларидан юқори тозаликдаги аммоний тетромолибдат ва нордон-аммоний молибдат олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовлари»** деб номланади. Юқорида келтирилган натижаларни (3-боб) таҳлил қилиш ва изланишлар шуни кўрсатадики, молибден саноат маҳсулоти куйиндисини қайта ишлашнинг турли усуллар орасида ўзининг иқтисодий тежамкорлиги, имконияти, экологик хавфсизлигива шу билан бирга тайёр маҳсулотга айланишини юқори даражада таъминлаш нуқтаи назаридан, молибден саноат маҳсулоти куйиндисини қайта ишлашнинг энг мақбул технологик варианти, бу содали ишқорлаб эритиш ҳисобланади.

Молибденли куйиндини қайта ишлашнинг икки усулда амалга оширилди: 1. Молибден куйиндисини содали қиздириш ва 2. Сода эритмаси билан тўғридан-тўғри ишқорлаб эритиш.

Куйиндини сода билан қиздириш муфелли печда 450-500°С ҳароратда амалга оширилди, қиздириш вақти 1 соат, 50 г. намунадаги молибденни миқдори 2-жадвалда кўрсатилган. Бунда намунага ҳар хил нисбатда сода қўшиб аралаштирилди ва қиздирилди. Содали ишқорлаб эритиш механик аралаштиргичда 60-70°С ҳароратгача қиздириб амалга оширилди. Қ:С (қуюқ-суюқ фазалар) нисбати 1:3 ва 1:4 ни ташкил этди. Ишқорлаб эритиш икки босқичда, кейинчалик кекларни ювиш билан амалга оширилди.

3-жадвал

Молибденли куйиндиларни қайта ишлаш бўйича лаборатория тадқиқот натижалари

Тажриба №	Намуна оғирлиги, г	Na_2CO_3 сарфи, г	Молибден таркиби			
			Суюқ фазада, г/л			Қуюқ фазада, %
			I босқич	II босқич	Маҳсулдор эритма	
1	50	50	67,7	29,2	4,88	2,2
2*қиздириб	**50**	**40**	**73,2**	**14,6**	**2,92**	**2,9**
3	50	30	54,9	13,4	1,5	3,9
4	50	25	67,1	14,6	5,2	9,7
5	50	20	57,9	17	2,1	12,0
6 тўғридан-тўғри ишқорлаб эритиш	**50**	**120 г/л**	**64,05**	**23,79**	**14,64**	**1,6**

3-жадвалдан кўриниб турибдики, сода билан қиздирилган куйиндидан молибденни ишқорлаб ажратиб олишда энг яхши натижа 2 - тажрибада олинган. Молибденни қаттиқ фаза (кек) да икки марта ювиб бўлгандан сўнг, худди шу технологик шароитларда 120 г/л концентрацияли содали эритма билан куйиндини тўғридан-тўғри эритиш амалга оширилганда 6 - тажрибада, қаттиқ фазадаги молибденнинг энг кам миқдори 1,6% ни ташкил қилади.

Аммоний тетрамолибдат (АТМ) олиш учун маҳсулдор эритманиазот кислотаси билан pH=1,8-2,2 даражагача кислоталанди. Икки марта фильтрлангандан сўнг, эритма молибден сорбцияланиши учун А-100Мо анионити билан тўлдирилган колонналарга узатилди.

Колоннадаги анионит молибден билан тўйинтирилганидан сўнг, молибденни аммиак эритмаси билан десорбция қилинди, кейинчалик нордон-аммониймолибдат (НАМ) ни кристалланиши, кимёвий таркибига кўра, кимёвий тоза (х/ч) марканингтехник шарт талабларига жавоб беради.

Аралашмалардан тозалаш а) молибден тузининг хом чўкиндисини чўктириш, сўнгра уни қайта эритиб аралашмалардан тозалаш; б) эритмани аралашмалардан олдиндан тозалаш, сўнгра молибден тузининг соф чўкмасини чўктириш йўли билан амалга оширилди.

Шундай қилиб, олиб борилган экспериментал ишлар шуни кўрсатдики, молибден саноат маҳсулоти куйиндисини қайта ишлаш жараёни тўғридан-тўғри содали ишқорлаб эритиш ва содали қиздириш орқали амалга оширилиши мумкин. Иккинчисига учта асосий операция киради: сода билан куйиндини қиздириш; ишқорлаб эритиш; содали эритмалардан молибденни ажратиш. Тайёр маҳсулотда молибденни ажратиб олиниши 89-90% ни ташкил этди.

Лаборатория шароитида олинган нордон-молибден аммонийсининг намуналари кенгайтирилган кимёвий-спектрал ва рентген спектрал таҳлил усуллари билан таҳлил қилинди, натижалар 4-жадвалда келтирилган. Қолдиқ кеклардаги Мо миқдори 2,2% ни ташкил этиши кимёвий таҳлил усули билан аниқланди (3-расм).

4-жадвал

Нордон-молибден аммонийсининг кимёвий таркиби

Аралашманинг масса улуши, %	MoO_3	Fe	Ni	Mn	Si	A1	Ca	Mg	As	P	S	Zn	K	Na	W	C	Cu
Олинган НМА	78	0,006	0,005	0,003	0,007	0,004	0,005	0,005	0,003	0,002	0,025	0,006	0,04	0,008	0,01	0,01	0,05
ГОСТ 2677-78	78	0,007	0,002	0,003	0,01	0,002	0,004	0,0015	0,003	0,002	0,04	0,01	0,08	0,08	-	-	-



3-расм. Кекнинг 7 локал нуқта ЭД-спектри

Молибден саноат маҳсулоти куйиндисини содали ишқорлаб қайта ишлаштехнологиясининг оптимал вариантинианиқлаш учун тадқиқот ишлари икки йўналишда олиб борилди:

1. Куйиндини сода билан бирга қиздириш усули орқали;
2. Куйиндини тўғридан-тўғри сода эритмаси ишқорлаш усули орқали.

Молибден саноат маҳсулоти куйиндисидан молибденни ажратиб олиш самарадорлигини оширишда «Олмалиқ КМК» АЖ дан келаётган куйиндини қуруқ ҳолда шарли тегирмонларда майдалаш орқали эришилади.

Композицион молибден саноат маҳсулоти куйиндисидан молибденни ажратиб олишнингоптимал вариантини аниқлаш бўйича тадқиқотлар 4-расмда кўрсатилган сода билан бирга қиздирилган молибден куйиндисини қайта ишлаш технологик схемаси бўйича амалга оширилди.



4-расм. Сода билан бирга қиздирилган молибден куйиндисини қайта ишлаш технологик схемаси

Молибден саноат маҳсулоти куйиндисини 500°С ҳароратда 1 соат давомида қиздириб ва қиздирмасдан қайта ишлаш технологияси синовдан ўтказилди.

Содали қиздиришусули билан молибден куйинди маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини кенгайтирилган тажриба - синов тадқиқотлари қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилди.

Дастлабки МСМ ни шарли тегирмонда майдалангандан кейинги гранулометрик таркиби (5-жадвал), турли нисбатларда сода билан яхшилаб аралаштирилди ва муфел печларида 500°С ҳароратда 1 соат давомида қиздирилди. Кейин қиздирилган маҳсулотни сув ёрдамида ишқорланди.

5-жадвал

Молибден саноат маҳсулоти куйиндисинининг гранулометрик таркиби

№	Ўлчами, мм	Оғирлиги, г	Оғирлиги, %	Таркиби			Тақсимланиши, %		
				Мо, %	Au, г/т	Ag, г/т	Мо	Au	Ag
1	4х20	100,0	10,0	44,4	37,6	65,6	10,02	11,46	11,12
2	-2,5	55,0	5,5	42,5	31,2	54,2	5,28	5,23	5,05
3	-2,0	49,0	4,9	46	32,7	56,0	5,09	4,52	4,65
4	-1,5	58,0	5,8	42,6	30,3	60,2	5,58	5,36	5,92
5	-1,2	48,0	4,8	46	27,5	58,2	4,98	4,02	4,73
6	-1,0	690,0	69	44,3	37,3	58,3	69,00	69,90	68,18
7	Жами	1000,0	100,0	44,3	32,8	59	100	100	100

Куйиндининг сода билан оптимал нисбати 1: 0,8 (4 кг: 3,2 кг). Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқариш шароитида кенгайтирилган тажриба - синов ишлари олиб борилди. Куйиндини сода билан қиздириш жараёни

қаттиқ фазада содир бўлади ва бир компонентнинг иккинчисининг кристалл панжарасига кириб боришидан иборат. Қиздириш тезлиги маълум бир ҳароратда ортиб борадиган кристаллараро диффузия тезлиги билан аниқланади.

Қиздирилганидан сўнг, 6,5 кг ҳажмли маҳсулот идишга солиниб, Қ:С=1:4 (26,5 л) нисбатида 1 соат давомида 70-75°С гача ҳароратда, эритма аралаштириб турилди. Фильтрлангандан сўнг эритманинг ҳажми ўлчанди ва фильтрлангандан кейинги қолдиқ кек Қ:С=1:4 нисбатида 1 соат давомида 2 босқичда қайта ишқорлаб эритилди. Фильтрлангандан кейин кекларни сув билан ювилиб, фильтрат ва кекни молибден ва нодир металларнинг миқдорини аниқлаш учун таҳлилга юборилди.

Куйиндини ишқорлаш, концентрацияси 120 г/л бўлган сода эритмаси билан қиздириб аралаштириш 1 л ҳажмли зангламайдиган пўлат идишда амалга оширилди. Ишқорлаш ҳарорати 60-70°С, давомийлиги 1 соат. Икки босқичда ишқорлангандан кейин қаттиқ фазада (чиқинди кек) молибден миқдори 1,6% ни ташкил этди, рухсат этилган шароитда 3% дан ошмади.

Кенгайтирилган синов - тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун ишлаб чиқилган технологик схема асосида 5-расмда кўрсатилган аппаратлар занжирининг схемаси тузилди.



5-расм. Содали ишқорлаш усули билан молибден куйинди хомашёсини қайта ишлашда аппаратлар занжирининг технологик схемаси

Шундай қилиб, майдаланган дастлабки молибден саноат маҳсулоти куйиндисини сода билан бирга қиздириб қайта ишлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар ва концентрацияси 120 г/л бўлган содали эритма билан тўғридан - тўғри ишқорлаш орқали молибденни самарали ажратиб олишнинг мақбул вариантини аниқлашга имкон берди ҳамда чиқинди кекларда атиги 3% ёки ундан камбўлган миқдорда молибден қолишини кўрсатди.

Диссертациянинг **««ЎзТМК» АЖ шлам майдони кек ва чиқинди эритмаларидан молибден, рений ва бошқа қимматли компонентлар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган бешинчи бобида таркибида молибден бўлган техноген хомашёларни қайта ишлаб қўшимча маҳсулот сифатида ишлатиладиган аммоний тетромолибдат, мис концентрати ва аммоний перренати олиштехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари тақдим этилган. Тавсия этилган технологик схема 6-расмда келтирилган.



6-расм. «ЎзТМК» АЖ молибден ишлаб чиқариш саноати ташландиқ эритмаларини комплекс қайта ишлашнинг технологик схемаси

Синовлар натижасида 2,1 м^3 чиқинди эритмаси қайта ишланиб, қуйидаги оралиқ маҳсулотлар: мисли - 264 г, молибденли - 164 г, ренийли 8 г концентратлар олинди. Бундан ташқари, 60 г темир концентрати мавжуд.

Олинган маҳсулотларнинг таркибини, ўзига хослигини аниқлаш, тузилишини ҳамда тозалигини ўрганиш учун замонавий юқори ахборотли физик-кимёвий усуллардан фойдаланилди.

7-расмда мис концентратининг <2Theta>=2°Сдан 70°Сгача бўлган оралиғидаги дифрактограммаси кўрсатилган.

Барча кўринишидан, маҳсулотни қиздириш пайтида, мисни натрий сульфиди билан чўктирилгандан сўнг, 800°С дан юқори ҳароратларда синтетик долерофинит ҳосил бўлиш жараёни содир бўлди. Сульфат гуруҳининг, яъни айнан ички кристаллараро гуруҳ борлиги ИҚ - спектроскопияси билан тасдиқланди (8-расм).



7-расм. Мис концентрати дифрактограммаси

